



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 23 май, № 99 (5773)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 22 май куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансориини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари мунтазам равишдаги Ўзбекистон — Ҳиндистон сиёсий мулоқоти томонларни қизиқтирган барча йўналишлар бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентларо алоқалар, савдо-иқтисодий, сарможий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва ишбилармон доиралари ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни янада фаоллаштириш ва диверсификация қилишдан, иқтисодиётнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва биотехнологиялар, энгил ва кимё sanoati, шунингдек, углеводород хом ашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш каби юқори технологияли тармоқларида ўзаро фойдали қўшма ишлаб чиқариш объектларини барпо этишдан манфаатдор экани қайд қилинди.

2012 йил якунига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми аввалги даврдаги

кўрсаткичга нисбатан анча юксалиб, 201 миллион АҚШ долларида ошган.

Асосий минтақавий ва глобал масалалар ечимига ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги томонларнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Афғонистон муаммоси юзасидан фикр алмашув чоғида ушбу жафокаш мамлакатда вазиятнинг барқарорлаштирилиши минтақавий халқлари манфаатларига мос келиши ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклигига доир бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ҳамид Ансориий самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон раҳбарияти Президент Ислон Каримовнинг 2011 йил май ойида Деҳлида давлат ташрифи асносида эришилган принципиал келишувлар руҳида Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

(Ўза).

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансориий 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Дипломат Тошмухамедова билан учрашди.

ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Учрашувларда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар аънавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикасида давлат ташрифи ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришда муҳим омил бўлди.

би жорий қилинган. Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг 18 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар, асосан, тўқимачилик, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг олий қонун қарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолиги, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, мажбуриятлари ва манфаатларига доир қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда қарорлар ҳақида одамларнинг хабардорлигига бевосита боғлиқдир.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ МУҲИМ СИНОВИ

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар мажмуи амалга оширилди. Ахборот соҳасининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонунлар қабул қилинди. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўйбега чиқаришда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлари сифатини ошириш борасидаги маъсулиятини кучайтириш зарурати туғилмоқда.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бериш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш лозим. Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳақида ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш зарур.

Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги туғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

ДАВРА СУҲБАТИ

Хусусан, кучли фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда мамлакатимизда сайлов тизimini янада такомиллаштириш йўлида дадил қадамлар қўйилди.

Истиқлол йилларида юртимизнинг изчил тараққиётини ўзда ифодалаган ва халқаро демократик мезонларга мос сайлов тизимининг қонунчилик асослари барпо этилгани бунинг тасдиғидир.

Хива шаҳрида бўлиб ўтган "Сайлов тизimini демократлаштириш соҳасидаги халқаро амалиёт

ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги халқаро давра суҳбатида ушбу долзарб мавзу муҳокама этилди.

Халқаро давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти,

(Давоми 2-бетда).



КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида машинасозлик, электротехника ва авиация sanoatini ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш корхоналарининг тармоқ sanoat ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади.

У Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги "2013 йилда Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкиллаштириш ва ўтказиш чора-тадбирлари туғрисида"ги қарорига асосан, VII Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи

доирасида ташкил этилди. Таъкидлаш керакки, Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур тадбирнинг узлуksiz фаолияти йўлга қўйилгани sanoatимиз ривожидан кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ича деганда, у нафақат негина ва тармоқларо кооперация алоқаларини ривожлантириш, балки

ташқи иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этишда кўл келаётир. Натижада ҳар йили кўплаб қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилаётган бўлса, экспортда эса янги маҳсулотлар тури ва ҳажми

ошиб бораёпти. Энг муҳими, sanoat корхоналари ўз маҳсулотларини кенгроқ намоиш қилиб, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантирмоқда. Шунинг учун ярмаркада иштирок этувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Ўтган йили, масалан, 102 та корхона, шу жумладан, 25 та хорижий фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан қатнашган эди.

(Давоми 2-бетда).

ВИДЕОМУЛОҚОТ

Пойтахтимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи кучайтириш масалаларига бағишланган видеомулоқот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда қатор вазирликларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги бошқармалари мутасадди вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маҳалла идоралари фаоллари қатнашди.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Таъкидланганидек, бугун юртимизда эл саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, оналик ва болалик муҳофазаси, аҳолининг тиббий маданияти ҳамда репродуктив билимларини ошириш йўналишида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар келажагимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат

қилаётганлиги билан аҳамиyatлидир. Айни пайтда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги қарорига мувофиқ, соғлом бола туғилиши, жойларда ҳомиладор аёллар саломатлигини янада яхшилаш, уларни доимий тиббий текширувдан ўтказиш, махсус

дармондори ва микронутриентлар билан бепул таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, юртимизда жисмонан ва маънан баркамол авлоднинг воёга етказиш йўлидаги эзгу сый-ҳаракатлар, олиб борилган тарғибот ишлари тўғрисида жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида республикамиз бўйича оналар ва болалар янада камайишига

эришилди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ва "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигида 2013 йил бошидан то шу кунга қадар 56 минг нафардан зиёд аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан 13058 нафар кишида аниқланган хасталиклар амбулатор ва стационар шартларда даволанмоқда.

(Давоми 2-бетда).

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда миллий ҳуқуқий тажриба инобатга олинган — оммавий ахборот воситалари соҳасига оид 10 дан ортиқ қонунлар, 40 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат инвентаризациядан ўтказилди. Қолаверса, ОАВга оид қонунчилик хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилинди, Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа 20 дан ортиқ давлатларнинг 50 дан зиёд қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. 10 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, умуман, сўз эркинлиги ва ОАВ соҳасидаги халқаро стандартлар таҳлил қилинди. Қонун лойиҳаси бўйича ЕХТнинг ОАВ эркинлиги масалалари вакили бюроси ҳамда Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази (АҚШ)нинг халқаро экспертизаси олинди. Қонун лойиҳаси, шунингдек, хорижлик экспертлар иштирокида кенг муҳокамадан ўтди.

Амалиётда қонун лойиҳасининг асосий принциплари ва қоидаларини такомиллаштириш, унинг ҳокимияти ва бошқаруви ва бошқарув тузилмалари фаолиятини очиқлигини таъминлаш бўйича нормалари самардорлигини баҳолаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Фармойиши билан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини нормаларини ҳуқуқий таҳрибдан ўтказишга киришилди. Давлатимиз раҳбари Фармойишининг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш, биринчи навбатда, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштиришни таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур ҳужжат асл мақсади халқимизнинг "Етти ўйлаб, бир кес" мақолига мос бўлиб, қонун

қабул қилишга юксак масъулият билан ёндашилаётганини кўрсатади. Қонун лойиҳаси синови Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлигини мустаҳкам-

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ МУҲИМ СИНОВИ

лайдиган 30-моддасини ҳаётга татбиқ этишга ҳамда қонун лойиҳаси қоидаларини амалда синаш ва уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тажриба қонун лойиҳаси сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ҳуқуқий камчиликларни бар-тароф этиш, қонун лойиҳаси заруратини ҳамда самардорлик даражасини кўрсатиб бериш, уни рўёбга чиқариш бўйича дастлабки мониторингнинг амалга ошириш каби мақсадларни қўзғайди. У, шунингдек, фуқароларнинг қонун лойиҳаси ҳақида хабардорлигини ошириш ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш учун зарур шароит яратди.

Синов давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, бундай органлардан оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан ахборот олиш имкониятини таъминлашга йўналтирилган қонун

барларининг улар томонидан қабул қилинаётган одамлар ва жамият манфаатларига дахлдор қарорларни аҳоли ўртасида матбуот анжуманлари, брифинглар, интервью ва бошқа тадбирлар орқали кенг тушуниришда фаол иштирок этишни рағбатлантириш услублари амалий жиҳатдан ишлаб чиқилди. Шунингдек, мамлакат ички ва ташқи сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ёритишда миллий матбуот самардорлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган журналистлар профессионал фаолиятининг ўзини ўзи тартибга солиш бўйича турли самарали механизмлар (Профессорлар ахлок кодекси) амалий жиҳатдан синовдан ўтказилди. Унинг якунлари бўйича қонун лойиҳаси нормалари амал қилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолияти ва соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга ташкири чукор таҳлилдан ўтказилди. Бу эса синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришнинг асосидир.

Ўтказилаётган тажриба ОАВ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқароларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ҳақиқий ахборотлардан бохабар бўлиш йўлида янги имкониятларни очди. Синов қонун ижодкорлиги фаолиятининг хориж ва халқаро ҳуқуқ амалиётида кенг ҳамда ранг-баранг тарзда қўлланаётган муҳим демократик ҳамда за-

ҳақида ахборот олишда янги имкониятлар тўғрисида хабардор қилиш каби тадбирларни қамраб олади. Комплекс чора-тадбирлар қаторига, шунингдек, ҳуқуқий тажриба самардорлиги ҳамда ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича фаолиятини баҳолаш мақсадида ижтимоий сўровлар ҳам қиради. Булар қаторида, шу жумладан, қонун лойиҳа-

қонун лойиҳаси нормалари муҳокамада қатнашиши учун ихтисослаштирилган интернет сайти ташкил этилмоқда. ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий тажриба субъектлари фаолиятини ҳақида ахборотларни пешу-ма-пеш тарзда олишлари мумкин. Мазкур синовини ўтказиш пухта хозирликни талаб қилди. Хусусан, жамият ва давлат қурилиши соҳасида ҳуқуқий экспериментни амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда нафақат ҳуқуқий тажрибани ташкил этишнинг назарий ва халқаро амалиёти масалалари, балки уни амалга ошириш, ахборот соҳаси қонунчилиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш методикасини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур конференцияда Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари фаол иштирок этди. Улар тадбир қатнашчиларига ҳуқуқий тажриба доирасида ба-жарилган чора-тадбирлар ва ушбу жараёни яқин истиқболда янада яроқлиштириш бўйича устувор вази-фаларни самарали рўёбга чиқариш мақсадида ҳар бир шахс ҳуқуқий эксперимент жараёнини бемалол кузатиб бориши ҳамда

си нормаларини муҳокама қилиш бўйича очиқликни таъминлаш соҳасидаги хорижлик экспертлар иштирокида анжуманлар, брифинглар, давра сўхбатлари ва семинарлар ўтказиш, уларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳам бор. Олдимизда турган вазифаларни самарали рўёбга чиқариш мақсадида ҳар бир шахс ҳуқуқий эксперимент жараёнини бемалол кузатиб бориши ҳамда

Ҳуқуқий тажриба илмий-амалий жараён, экспериментал нормалар самардорлиги бўйича кузатув бўлиб, назарий ва амалий фаолият ўйғунлигини ўзида ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, у на-зарийетчилар фикр-мулоҳазаларини ҳаётий талаблар билан таққослаш, солиштириш имконини беради. Шу асосда Ўзбекистон қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш бўйича ноёб тажрибага эга бўлади. Бу эса нафақат қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тақлифлар олиш, балки ҳуқуқий тажрибани ташкил этиш бора-сида самарали методика ишлаб чиқиш, миллий ҳуқуқ социологияси назарий ҳамда амалиётини кенгайтиришга хизмат қилади.

Акмал САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар,

нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳамкорлик узоқ даврларга бориб тақалади. — деди Ҳамид Ансорий. — Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари кўпга соҳаларда жадал ривожланаётгани бизни фоят қувонтиради. Дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди. Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорий Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва азгулик монументи пойга гул қўйди. Темирўлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳуқуқ қилувчи экспонатларни кўздан кечирди, Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилди.

Мадина УМАРОВА,
Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Токио Қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетининг вице-президенти Ясухиса Куними Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганини маълум қилар экан, ўз сарфарлар чоғида мамлакатимиз таълим тизимининг ривожланиши суръатлари, ўқув юрларидан замонавий педагогика услубларининг кенг ва самарали тарзда қўлланилиши билан яқиндан танишганини айтди.

— Ўзбекистон ва Япония таълим соҳасидаги алоқаларини кенгайтириш мақсадида Япония ҳукуматининг "Глобал-30" таълим дастури доирасида мамлакат олий ўқув юрларига қабул қилинадиган ўзбекистонлик талабалар учун ўринлар сонини кўпайтирилди, — деди у.

Профессор Иохико Кабабата япон ва ўзбек халқлари маданиятларининг бир-бирига яқинлиги давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорлигининг янада кенгайиб боришига хизмат қилаётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА.
Токио

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини тарбия қилиш, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш йўналишидаги чора-тадбирлар ижросини таъминлашда эса Республика Хотин-қизлар қўмитасининг "Соғлом аёл — соғлом жамият" номли лойиҳаси, барча таълим масканларида фаолият кўрсатаётган "Ораста қизлар" тўғраги, шунингдек, жойларда доимий ўтказилаётган суҳбат-мулоқотлар муҳим аҳамият касб этаётди.

Видеомулоқотда, шунингдек, мутасадди вазирлик ва

идораларнинг ҳамкорлигидаги сайи-ҳаракатлари самардорлигини янада ошириш, мактабни битирган қизларни ўрта махсус тизимга кенг жалб қилиш, эрта турмушининг олдини олиш, қишлоқ ва маҳаллаларда, айниқса, ёшлар ўртасида тебибий маданият даражасини юксалтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕҲТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Миллий демократик институт (АҚШ) ва Ф. Эберт номидаги Фонд (ГФР)нинг худудий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий ва худудий сай-

зий сайлов комиссияси бошчилигида доимий асосда фаолият юритувчи сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими ташкил этилди. Қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик унинг фаолияти асосий принципларидир.

Таъкидланганидек, юртимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар фақат кўп партиявийлик асосида ўтказилиши мумкин. Айни пайтда

кенгайтириш имконини яратди, шунингдек, сайловолди тарғиботини олий боришини барча тартиб-таомилларини белгилаб берди.

Даниэль УРЕНЬЯ,
Сийёсий маслаҳатчи
Европа уюмчаси (ЕАРС)
Вице-президенти (Испания):
— Бугунги тадбирда сайловларга оид жуда кўп долзарб масалалар муҳокама этилди. Икки кун давомида

САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан биридир

лов комиссиялари аъзолари, парламент аъзолари, сийёсий партиялар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, олий таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Испания, Германия, Россия ва бошқа давлатлар ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан экспертлар қатнашди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улўбек Абдусаломов таъкидлаганидек, сайловлар демократик жамият ижтимоий-сийёсий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, фуқаролар хоҳиш-иродасини тўлиқ ифода этиш, халқ суверенитетини рўёбга чиқаришнинг асосий воситасидир.

Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий сайлов тизимини янада ривожлантириш ҳамда эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий-сийёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқунма-босқун ислохот қилиниши натижасида умумэътироз элнинг стандартлар ва демократик талабларга жавоб берадиган сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов тизими шакллантирилди. Аввало, Конституциямизга биноан, сайлов қонунчилигида халқаро норма ва принципларга асосланган норматив-ҳуқуқий база юзага келди. Фуқаролар, сийёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишини мустаҳкам қаролга-лайдиган ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилди. Марка-

сийёсий партиялар ишончли вакиллари, кузатувчилар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари институтлари тобора ривожланаяпти. Партиялараро рақобат кучаймоқда. Сийёсий партиялар ўзларининг сайловолди дастурлари ва платформаларини ўз электоратларининг аниқ талаб ва истаклари асосида ишлаб чиқмоқдалар, шунингдек, сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишда фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ортиб бормоқда.

Хорижлик экспертлар алоҳида эътироф этганидек, сайлов тизимида қўлланган бундай омиллар сийёсий партиялар фаолиятини жонлантириш, давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда фуқароларнинг роли ва таъсирини ошириш, бундан ташқари, аҳолининг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлашда кўп келмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ўтказилган сайловлар ҳам демократик сайлов тизимини яратишда юқори натижаларга эришилганини тасдиқлайди. Бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг юксак ижтимоий-сийёсий маданияти, сийёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини кўрсатади. Бунини хорижлик экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди.

Владимир ГАРКУН,
МДХ Раисини қўмитаси
ишончли биринчи ўринбосари:

— Аввало шунини айтмоқчиманки, бундай нуфузли халқаро анжуманда иштирок этиш, сайлов тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тажриба алмашиш, фикр билдириш имкониятига эга бўлганимдан бахтирман. Ўтган йили сайлов қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов иштирокчилари сафини

сайлов қонунчилигида доир халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси хусусида фикрлашиб олдик. Мен бу ерда "Сайловолди компаниясида сийёсий партияларга қарашли оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти: Испания тажрибаси" мавзусидаги маърузам билан қатнашдим. Маълумки, барча мамлакатларда сийёсий партиялар сайловолди курашлари оммавий ахборот воситалари, кучидан кенг фойдаланишади. Ўзбекистонда ҳам сийёсий партияларга бу борада тенг имконият яратиб беришган. Кузатдимки, бунда улар қонунчилик тамойилларига тўлиқ амал қилмоқдалар.

Стефан ВУРСТЕР,
Гейдельберг университет
Сийёсат фанлари институти
эксперти (Германия):

— Ҳидадаги давра суҳбати очиқ-ошкора, дўстона мулоқот рўида ўтди. Ўзбекистонда кучли фуқаролик жа-момалари учун тенг шароитлар яратиш, сайлов тизими самардорлиги мониторинги амалиёти, сайловолди тарғиботида ОАВнинг роли ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг кенгайтириш бўйича тажриба алмашишлар.

Унда демократик сайловлар ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек, сайлов комиссиялари ишини янада яхшилаш, сийёсий партиялар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, ошкораликни таъминлаш ва сайлов ташкилчиларининг малакаси ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

лов тизимида қилинган катта ишлар билан танишиш, бу борада фикр алмашиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизда сайлов жараёнига демократиянинг муҳим омилли сифатида қаралади. Шу ўринда айтимоқчи эдимки, дунёдаги у ёки бу давлат сайлов тизимининг хусусиятлари, демократик даражаси, кўп жиҳатдан, шу давлатнинг жаҳондаги нуфузини ҳам белгилаб беради. Барча демократик давлатлар сингари, Ўзбекистоннинг сайлов тизимида ҳам ана шу мукамалликка қаттиқ интилиш борлигига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси.

лов тизимида қилинган катта ишлар билан танишиш, бу борада фикр алмашиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизда сайлов жараёнига демократиянинг муҳим омилли сифатида қаралади. Шу ўринда айтимоқчи эдимки, дунёдаги у ёки бу давлат сайлов тизимининг хусусиятлари, демократик даражаси, кўп жиҳатдан, шу давлатнинг жаҳондаги нуфузини ҳам белгилаб беради. Барча демократик давлатлар сингари, Ўзбекистоннинг сайлов тизимида ҳам ана шу мукамалликка қаттиқ интилиш борлигига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Алексей АВТОНОВ,
"Государство и право"
журнали бош муҳаррири
(Россия):

— Бугунги самимий, қизиқарли учрашув барча иштирокчилар учун ҳам ниятдаги фойдали бўлди, деб ўйлайман. Ўзбекистоннинг сайлов тизимида рўй бераётган ижобий янгиланишларни кузатиб бораман. Ўтган йили унинг сайлов қонунчилигига янги ўзгариш ва қўшимчалар киритилганидан хабарим бор. Бу янги ҳуқуқий нормалар сайлов жараёнини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигининг сайловларда муддатидан олдин овоз бериш жараёнини тартибга солиш мейёрлари такомиллаштириб борилаётганидан ҳам билиш мумкинки, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Тадбир давомида иштирокчилар сайлов жараёнини такомиллаштириш, бу борада қонунчилик тамойилни таъминлаш, сайловолди кампанияси даврида сийёсий партиялар, депутатликка номзодлар учун тенг шароитлар яратиш, сайлов тизими самардорлиги мониторинги амалиёти, сайловолди тарғиботида ОАВнинг роли ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг кенгайтириш бўйича тажриба алмашишлар.

Унда демократик сайловлар ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, шунингдек, сайлов комиссиялари ишини янада яхшилаш, сийёсий партиялар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, ошкораликни таъминлаш ва сайлов ташкилчиларининг малакаси ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

"Нукус темир-бетон буюмлари заводи" масъулияти чекланган жамияти йилига 25 минг кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳсулот сифати ошди

Ўтган йили қорхонанинг саксон нафардан зиёд жамоаси томонидан буюртмачиларга 4 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

Қўнда бу ерда банкнинг 500 миллион сўмлик кредити эвазига ишлаб чиқариш ҳажми оширилди. Шу билан бирга, маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди.

Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадида 1,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиши натижасида 10 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳам ички бозорга, ҳам экспортга

"Навой" эркин индустриал иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган "Navoiy Hunan Pipe" қўшма қорхонасида болалар ва катталар учун гигиеник воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Қорхонамиз хорижнинг илғор технологияси билан жиҳозланган, — дейди қорхона раҳбари Лола Уринова. — Бу эса қарийб 60 кишилик ёш жамоамиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори бўлишини таъминламоқда. Эътиборлиси, қисқа муддатда қорхонада қарийб 3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми экспорт қилинди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Деворбоп материаллар кўпаяди

Деҳқонобод туманида оҳақтош, бентонит тупроғи, глауконит, керамик пигментлар каби бир қатор ноёб хом ашё конлари аниқланган бўлиб, ушбу табиий ресурслардан тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича махсус дастур қабул қилинган.

Қўнда ушбу дастур доирасида тумандаги "Чайка" хусусий қорхонасида гипсокартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда бу ерда йилга 6 метр квадрат метр гипсокартон маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди ҳамда ўнга яқин иш ўринлари яратилди.

Вилоятда ўтган йили фаолият бошлаган 270 та янги қорхонадан 86 таси қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилгани эътиборлидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

